



МИКРОДАРАЖАДА “TAX GAP” ТУШУНЧАСИ ВА УНИ ҲИСОБЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Юсупов Жасурбек Олимжонович

*Йурик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси,
бўлим бошлиғи. Тошкент, Ўзбекистон. jasurbek.yusupov@soliq.uz*

ORCID: 0000-0002-1307-5760

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss1/a43

Аннотация

Амалдаги Солиқ кодексининг 266-моддасида тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш шартлари белгиланган. Мазкур модда бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун асос сифатида солиқни ҳисобварақ-фактураларда акс эттирилганлиги ёки товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганлиги асосий мезон қилиб олинган. Амалиётда қўшилган қиймат солиғи электрон ҳисобварақ-фактуралар орқали шаклланаётганлиги ҳамда божхона органларида қўшилган қиймат солиғи тўланганлиги электрон тарзда шахсий карточкаларда акс эттирилаётганлиги сабабли солиқ тўғри ҳисобга олинаётганлик юзасидан назорат ўрнатиш бирмунча осонлашди. Шунга қарамай, ички бозордан ҳаридлар амалга оширилганда контрагентлар томонидан солиқни ҳақиқатда бюджетга тўланганлиги, ҳисоботларда тўғри акс эттирилганлиги бўйича назоратни амалга оширишда муаммолар мавжуд. Ушбу муаммони автоматлаштирилган тарзда ечиш мақсадида хориж тажрибасида қўлланилаётган “VAT tax gap” – қўшилган қиймат солиғи бўшлиғи ёки қўшилган қиймат солиғи занжиридаги ўзилишларни ҳисоблаш мақсадга мувофиқ бўлади. Ушбу мақолада VAT tax gap тушунчаси, муаллифнинг ушбу коэффициентни ҳисоблаш формуласи ва ҳисоблаш алгоритми бўйича тавсиялари келтириб ўтилди. Мазкур алгоритмни автоматлаштириш орқали қўшилган қиймат солиғини тўғри ҳисобга олинишини назорат қилиш ва давлат бюджетига қўшимча солиқ тушумини таъминлаш имконияти мавжуд бўлади. **Калит сўзлар:** Қўшилган қиймат солиғи, ҚҚС бўшлиғи, қўшилган қиймати занжиридаги ўзилиш.

THE CONCEPT OF "TAX GAP" AT THE MICRO LEVEL AND THE SPECIFIC CHARACTERISTICS OF ITS CALCULATION

Yusupov Jasurbek Olimjonovich

The head of division at Interregional state tax inspection for large taxpayers

Abstract

Article 266 of the current Tax Code defines the conditions for crediting the paid value added tax. As a basis for calculating the value added tax according to this article, the fact that the tax is shown in the invoices or that the tax is paid to the budget in the case of goods being brought (imported) is taken as the main criteria. In practice, due to the fact that the value added tax is generated through electronic invoices and the fact that the payment of value added tax in the customs authorities is shown electronically on personal cards, it has become easier to establish control over the correct

crediting of the tax. Nevertheless, there are problems in the implementation of control over whether the tax is actually paid to the budget by the counterparties when purchases are made from the domestic market, and whether it is correctly shown in the reports. In order to solve this problem in an automated way, it is appropriate to calculate the "VAT tax gap" - value added tax gap or gaps in the value added tax chain, which is used in foreign practice. In this paper, the concept of VAT tax gap, the author's recommendations on the formula for calculating this coefficient and the calculation algorithm are presented. By automating this algorithm, it will be possible to control the correct crediting of value added tax and provide additional tax revenue to the state budget.

Keywords: Value added tax, VAT tax gap, gap in value chain.

Кириш

Қўшилган қиймат солиғи узоқ тарихга эга бўлмаган янги солиқ турларидан бири ҳисобланади. Агар ушбу солиқ турини ўтган асрнинг 60-йилларида яратилганлиги ва биринчи бор тадбиқ этилганлигини ҳамда ушбу солиқ тури хозирда дунёнинг 170 дан ортиқ давлатларида жорий этилганлиги инобатга олинса, ушбу солиқ турининг аҳамияти юқори эканлигини кўриш мумкин. Қўшилган қиймат солиғи бўйича кўплаб ўрганиш ва тадқиқотлар мавжуд. Аммо қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиқ ёки қўшилган қиймат солиғи занжири ўзилиши, яъни “tax gap” нисбатан янги тушунча эканлиги сабабли, тўлиқ ўрганилмаган соҳалардан бири ҳисобланади. Хусусан, Ўзбекистонда “tax gap” тушунчаси бирор-бир меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатда назарда тутилмаган ва ушбу тушунча бўйича ҳали ўрганиш ўтказилмаган.

Қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиқ ёки қўшилган қиймат солиғи занжири ўзилиши, яъни “tax gap” тушунчасини икки даражага ажратиш мумкин:

- макродаражадаги қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиқ;
- микродаражадаги қўшилган қиймат солиғи занжиридаги ўзилиш.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Хаттон (2017) томонидан макродаражадаги қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиққа қўйидагича таъриф берилган ҳамда унинг ўлчашнинг уч ёндашувини келтириб ўтган.

Макродаражадаги қўшилган қиймат солиғидаги бўшлиқ – бу иқтисодиётдаги барча фаолият/даромад/активлар стандарт солиқ ставкасида солиққа тортилганда бюджетга тушиши мумкин бўлган солиқ суммаси ҳамда ҳисоблаш усулида ўлчанган ҳақиқатда тўланган солиқлар ўртасида фарқ.

Макродаражадаги қўшилган қиймат солиғи бўшлиғини ўлчашнинг асосий уч ёндашуви мавжуд:

1. **Юқоридан пастга ёндашуви.** Бу ёндашувнинг асосий мақсади солиқлардаги йўқотиш - ҳисобланиши мумкин бўлган потенциал солиқ тушуми ва ҳақиқатдаги тушум ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади. Ҳисобланиши мумкин бўлган потенциал солиқ тушуми статистик маълумотлар асосида ҳисоблаб чиқарилади.

2. **Пастдан юқорига ёндашуви.** Ушбу ёндашувда йўқотилаётган солиқ тушуми танланма йўл орқали солиқ тўловчиларда солиқ аудити ёки бошқа солиқ назорат тадбирларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

3. **Эконометрик таҳлил.** Бу ёндашувда эконометрик модел асосида солиқ йўқотишлари ҳисоблаб чиқарилади ҳамда модел кўрсаткичларидан хулоса қилинади.

Аммо ушбу усул солиқлардаги йўқотишларнинг келиб чиқиш сабабларини тўлиқ очиб бермайди¹.

Шакирова ва бошқалар (2014) томонидан солиқ бўшлиғини ҳисоблашда қўйидаги омиллар ҳисобга олиниши ёритиб ўтилган:

- солиқ тўловчилар томонидан йўл қўйиладиган хатолар ҳисобига солиқ қонунчилигига амал қилмаслик;
- солиқларни тўлашдан қочиш, жумладан “хуфёна” иқтисодиёт таъсири;
- солиқлардан қарздорлик ва бошқалар².

Микродаражадаги қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилиш - бу контрагент корхоналар томонидан бюджетга ҳисобланмаган ёки тўланмаган қўшилган қиймат солиғини ҳисобот тақдим этаётган корхона томонидан ҳисобга олиниши натижасида бюджет кўраётган йўқотишдир. Хозирда ҳисобварақ-фактуралар тўлиқ рақамлаштирилганлиги сабабли ушбу узилиш коэффицентини назарий жиҳатдан ҳисоблаш имконияти мавжуд.

Давлетшина (2019) томонидан ўтказилган тадқиқотларда бундай амалиёт Россия Федерациясидан мавжудлиги, қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилишларни келиб чиқишига қўйидагилар сабаб бўлиши кўрсатиб ўтилган:

1. Инсон омили;
2. Солиқдан қочишни ноқонуний йўлларида фойдаланган ҳолда солиқлардан қочиш ёки солиққа тортиладиган базани яшириш;
3. Техник хато

Шунингдек, ҚҚС бўйича солиқ узилишини таҳлил жараёнида “бир кунлик корхоналар” аниқланиб, бундай корхоналар “хавф даражаси”га қараб турларга бўлинади. Солиқ амалиётида тўрт турдаги хавф шаклланган:

- Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг юқори хавфи. Яъни, бундай тоифага кирувчи корхоналарда ҳисобга олиш хажми юқори бўлади. Шу сабабли бюджетга тўлов бўлмайди ёки кичик миқдорда бўлади. Шунингдек, ушбу тоифадаги корхоналарда асосий воситалари ҳамда ишчи ходимлари бўлмайди.

- Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг ўрта хавфи. Бундай тоифадаги солиқ тўловчилар қисман ўзларининг солиқ мажбуриятларини бажармай келаётган ҳамда ҳисобга олинаётган ҚҚС суммаси юқорилиги ва бюджетга тўловлар кичик хажмдалиги билан ажралиб туради.

- Солиққа оид ҳуқуқбузарликларнинг паст хавфи. Ушбу тоифага мансуб корхоналар ўзларининг солиқ мажбуриятларини доимий равишда бажариб келаётган, асосий воситалар мавжуд, ишчи ходимларига эга ҳамда молиявий фаолият юритаётган корхоналар ҳисобланишади.

- Аниқмас даража. Бундай корхоналар тоифасига асосан қайта ташкил этилган ҳамда солиқ тарихига эга бўлмаган корхоналар киради³.

Хориж тажрибасидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасида ҳам қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилишларни назарий жиҳатдан ҳисоблаш имкониятини

¹ Hutton, M. E. (2017). *The Revenue Administration–Gap Analysis Program: Model and Methodology for Value-Added Tax Gap Estimation*. International Monetary Fund.

² Шакирова, Д. Ю., & Засько, В. Н. (2014). Налоговый разрыв: особенности определения и мировой опыт. Российское предпринимательство, (18 (264)), 163-170

³ Давлетшина, А. И. (2019). «Чистота Среды» как инструмент для устранения налогового разрыва по НДС. Совершенствование налогового администрирования (pp. 60-67)

ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу сабабли, ушбу мақоланинг кейинги бобларида муаллиф томонидан ҚҚС занжиридаги узилиш коэффиценти формуласи ҳамда уни ҳисоблаш алгоритми бўйича таклифлар ишлаб чиқилди.

TAX GAP коэффиценти формуласи.

Қуйида қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилиш коэффицентини ҳисоблаш формуласи келтирилган. Ушбу коэффицентнинг иқтисодий моҳияти шундан иборатки, аниқланган коэффицент ёрдамида ҳисобга олинган солиқ суммасига тузатиш киритиш имкони мавжуд бўлади. Коэффицент бир ва ноль оралиғида бўлиб, ҳисобга олинган солиқ суммасини ушбу коэффицентга кўпайтириш орқали, тузатиш киритилиши лозим бўлган солиқ суммаси аниқланади.

$$TG_a = 1$$

$$\frac{(\sum_{t=1}^{12} INP_1^{VAT} * Share_a^{INP} * Report_1^{VAT}) * \left(1 - \frac{Debt_1^{VAT}}{\sum_{t=1}^{12} FP_1^{VAT}}\right) * Cond_1^{Not\ Fraud} + \dots + (\sum_{t=1}^{12} INP_n^{VAT} * Share_a^{INP} * Report_n^{VAT}) * \left(1 - \frac{Debt_n^{VAT}}{\sum_{t=1}^{12} FP_n^{VAT}}\right) * Cond_n^{Not\ Fraud}}{(\sum_{t=1}^{12} INP_1^{VAT} + \sum_{t=1}^{12} INP_2^{VAT} + \dots + \sum_{t=1}^{12} INP_n^{VAT}) * Share_a^{INP}}$$

Бу ерда:

TG_a - "а" корхонанинг ҚҚС бўйича узилиши коэффиценти.

INP_n^{VAT} - "а" корхонанинг n-чи контрагентидан кирим қилган ҚҚС суммаси.

$Share_a^{INP}$ - "а" корхонанинг ҳисобга олаётган улуши.

$(\sum_{t=1}^{12} \text{ҚҚС ҳисоботининг 010 сатри} / \text{№3 илованинг 010 сатри})$

$DEBT_n^{VAT}$ - "а" корхонанинг n-чи контрагенти ҚҚС қарз суммаси.

FP_n^{VAT} - "а" корхонанинг n-чи контрагенти тўловга ҳисобланган ҚҚС суммаси.

Маълумотлар базасида агар $DEBT_n^{VAT} > FP_n^{VAT}$ бўлса, $DEBT_n^{VAT} = FP_n^{VAT}$ деб олинади.

$Report_n^{VAT}$ - "а" корхонанинг n-чи контрагенти томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилганлиги. Бунда, агар n-чи контрагент томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилган бўлса – 1 га, тақдим этилмаган бўлса – 0 га тенг бўлади.

$Cond_n^{Not\ Fraud}$ - "а" корхонанинг n-чи контрагенти шубҳали корхона эмаслиги.

Бунда, агар n-чи контрагент шубҳали корхона бўлмаса – 1 га, шубҳали корхона бўлса – 0 га тенг.

Корхона кесимида ҚҚС занжиридаги узилишларни аниқлаш алгоритми.

Мисол: "а" – корхонанинг "n" та контрагенти мавжуд. "p" давр учун ушбу корхоналардан жами бўлиб "s" сумма ҳисобга олинган. "а" – корхонанинг умумий VAT tax гар коэффиценти 3-бўлимда келтирилган формула асосида ҳисобланади ва бу кўрсаткич "а" корхонанинг умумий нотўғри ҳисобга олинган ҚҚС суммасини аниқлашда фойдаланилади. Аммо, айнан қайси корхона ҳисобига узилиш рўй берганлигини аниқлаш қуйидаги алгоритм асосида амалга оширилади:

1-контрагент бўйича:

$$(a) \quad \sum_{t=1}^p INP_1^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_{1correct}^{VAT} + \sum_{t=1}^p INP_{1uncorrect}^{VAT}$$

$$(b) \quad \sum_{t=1}^p INP_{1uncorrect}^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_1^{VAT} * (1 - Report_1^{VAT}) * \left(1 - \frac{Debt_1^{VAT}}{\sum_{t=1}^p FP_1^{VAT}}\right) * Cond_1^{Not\ Fraud} * Share_a^{INP}$$

$$(c) \quad \sum_{t=1}^p INP_{1correct}^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_1^{VAT} - \sum_{t=1}^p INP_{1uncorrect}^{VAT}$$

Бу ерда:

INP_1^{VAT} – 1-контрагентдан кирим қилган ҚҚС суммаси.

$INP_{1correct}^{VAT}$ - 1-контрагент томонидан тўғри ҳисобга олинган ҚҚС суммаси

$INP_{1uncorrect}^{VAT}$ - 1-контрагент томонидан нотўғри ҳисобга олинган ҚҚС суммаси

$Share_a^{INP}$ – “а” корхонанинг ҳисобга олаётган улуши.

($\sum_{t=1}^{12}$ ҚҚС ҳисоботининг 010 сатри / №3 илованинг 010 сатри)

$DEBT_1^{VAT}$ – 1-контрагентнинг ҚҚС қарз суммаси.

FP_1^{VAT} – 1-контрагентнинг тўловга ҳисобланган ҚҚС суммаси. Маълумотлар базасида агар $DEBT_1^{VAT} > FP_1^{VAT}$ бўлса, $DEBT_1^{VAT} = FP_1^{VAT}$ деб олинади.

$Report_1^{VAT}$ - 1-контрагент томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилганлиги. Бунда, агар контрагент томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилган бўлса – 1 га, тақдим этилмаган бўлса – 0 га тенг бўлади.

$Cond_1^{NotFraud}$ – 1-контрагент шубҳали корхона эмаслиги. Бунда, агар контрагент шубҳали корхона бўлмаса – 1 га, шубҳали корхона бўлса – 0 га тенг.

...

n-контрагент бўйича:

$$(d) \quad \sum_{t=1}^p INP_n^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_{ncorrect}^{VAT} + \sum_{t=1}^p INP_{nuncorrect}^{VAT}$$

$$(e) \quad \sum_{t=1}^p INP_{nuncorrect}^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_n^{VAT} * (1 - Report_n^{VAT} * \left(1 - \frac{Debt_n^{VAT}}{\sum_{t=1}^p FP_n^{VAT}}\right) *$$

$Cond_n^{NotFraud}) * Share_a^{INP}$

$$(f) \quad \sum_{t=1}^p INP_{ncorrect}^{VAT} = \sum_{t=1}^p INP_n^{VAT} - \sum_{t=1}^p INP_{nuncorrect}^{VAT}$$

Бу ерда:

INP_n^{VAT} – n-контрагентдан кирим қилган ҚҚС суммаси.

$INP_{ncorrect}^{VAT}$ - n-контрагент томонидан тўғри ҳисобга олинган ҚҚС суммаси

$INP_{nuncorrect}^{VAT}$ - n-контрагент томонидан нотўғри ҳисобга олинган ҚҚС суммаси

$Share_a^{INP}$ – “а” корхонанинг ҳисобга олаётган улуши.

($\sum_{t=1}^{12}$ ҚҚС ҳисоботининг 010 сатри / №3 илованинг 010 сатри)

$DEBT_n^{VAT}$ – n-контрагентнинг ҚҚС қарз суммаси.

FP_n^{VAT} – n-контрагентнинг тўловга ҳисобланган ҚҚС суммаси. Маълумотлар базасида агар $DEBT_n^{VAT} > FP_n^{VAT}$ бўлса, $DEBT_n^{VAT} = FP_n^{VAT}$ деб олинади.

$Report_n^{VAT}$ - n-контрагент томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилганлиги. Бунда, агар контрагент томонидан ҚҚС ҳисоботи тақдим этилган бўлса – 1 га, тақдим этилмаган бўлса – 0 га тенг бўлади.

$Cond_n^{NotFraud}$ – n-контрагент шубҳали корхона эмаслиги. Бунда, агар контрагент шубҳали корхона бўлмаса – 1 га, шубҳали корхона бўлса – 0 га тенг.

“Тах гар” коэффицентини амалиётда қўллаш бўйича муаммолар ва унинг ечими юзасидан таклифлар.

Амалдаги солиқ кодексининг 266-моддаси тўланган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш тартибини белгилайди. Ушбу моддага мувофиқ, солиқ тўловчи ҳақиқатда олинган товарлар (хизматлар) бўйича тўланган (тўланиши лозим бўлган) солиқ суммасини ҳисобга олиш орқали Солиқ Кодекснинг 265-моддасига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган солиқнинг умумий суммасини камайтиришга, қуйидаги шартларни бир вақтда бажарган тақдирда, ҳақли бўлади:

1) солиқ тўловчининг товарларни ишлаб чиқариш ва (ёки) реализация қилиш (хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ фаолиятини амалга ошириш чоғида товарлардан

(хизматлардан), фойдаланилганда реализация қилиш бўйича айланмасига солиқ солиниши, шу жумладан ноль ставка бўйича солиқ солиниши лозим бўлганда;

2) олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганда;

3) товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда;

4) Солиқ Кодексининг 255 ва 256-моддаларида назарда тутилган ҳолларда солиқ бюджетга тўланганда;

5) ноль даражали ставка бўйича солиқ солинадиган товарлар экспортида чет эллик сотиб олувчи (тўловчи) томонидан экспорт қилинаётган товарлар учун ҳақ тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатида кўчирма мавжуд бўлганда.

Шунингдек, 266-модданинг 12-қисмида агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақлиги белгиланган.

Таклиф этилаётган формулада эса солиқни ҳисобга олишнинг асосий шартлари қўйидагилардир:

- ҳисобга олинаётган солиқ бўйича контрагент томонидан ҳисобот тақдим этилган бўлиши;

- ҳисобга олинган солиқ бюджетга тўланган бўлиши;

- ҳисобга олинаётган солиқ суммаси контрагенти “шубҳали” корхона эмаслиги.

Қонунчилик ҳамда юқоридаги формула шартларида ўзаро ўхшашлик бўлсада, формуладан амалиётда фойдаланиш учун қонунчиликка бир қатор ўзгартиришлар киритилиши лозим.

Биринчидан, қонунчилик бўйича олинган товарларга (хизматларга) солиқ тўловчи томонидан ҳисобварақ-фактура ёки етказиб берувчи томонидан тақдим этилган солиқ суммаси алоҳида ажратиб кўрсатилган бошқа ҳужжат олинганда ҳамда товарларни (хизматларни) етказиб берувчи солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказилганлиги етарли шартлардан бири эканлиги белгиланган. Аммо контрагент томонидан ҳисобот тақдим этилмаганлиги тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада алоҳида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи бюджетга ҳисобланмаганлиги ёки тўланмаганлигини англатади. Бу эса ўз навбатида ҳақиқатда тўланмаган солиқ суммасини ҳисобга олиниши натижасида бюджетга тушум камайиши ёки занжирда ўзилиши ҳосил бўлишига олиб келади. Шу сабабдан, қонунчиликка ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилган корхоналар томонидан ҳисобот тақдим этилиши ҳам бир шарт сифатида белгилиниши мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчидан, солиқнинг бюджетга тўланганлик ҳолати Солиқ кодексининг 266-моддасида фақатгина 3 та ҳолатда белгиланган:

- товарлар олиб кирилган (импорт қилинган) тақдирда солиқ бюджетга тўланганда;

- Солиқ кодексининг 255-моддасига мувофиқ, товарлар (хизматлар) чет эллик шахслар томонидан реализация қилинганда солиқ агентлари томонидан солиқ бюджетга тўланганда;

- Солиқ кодексининг 256-моддасига мувофиқ, давлат мол-мулки билан операциялар амалга оширилганда солиқ агентлари томонидан солиқ бюджетга тўланганда⁴.

Аммо бошқа ҳолатларда контрагентлар томонидан ҳисобварақ-фактураларда кўрсатилган солиқ ҳақиқатда бюджетга тўланмаган ҳолатда ҳам харидорларнинг ҳисобга олиш ҳуқуқи мавжудлиги боис, қўшилган қиймат солиғи занжиридаги узилишга олиб келади. Шу сабабли, қонунчилик талабларига барча ҳолатда солиқ бюджетга тўланганлиги шarti киритилиши лозим бўлади.

Учинчидан, 266-модданинг 12-қисмида, агар ҳисобга олиш ҳуқуқи товарларни (хизматларни) олиш бўйича қалбаки ёки кўзбўямачилик учун тузилган битим натижасида вужудга келганлигига оид далиллар мавжуд бўлса, солиқ органлари ҳисобга олишни бекор қилишни ёки унга тузатишни амалга оширишга ҳақлилиги белгиланган бўлсада, тузатиш қандай тартибда амалга оширилиши бўйича тартиб мавжуд эмас. Шу сабабдан, Солиқ кодексининг 14-моддасига мувофиқ солиқ органларининг даъвоси бўйича суд томонидан битимлар қалбаки (кўзбўямачилик учун тузилган) битим деб топилганда, ушбу солиқ тўловчи томонидан расмийлаштирилган ҳисобварақ-фактурада алоҳида ажратиб кўрсатилган қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаслиги юзасидан 266-моддада аниқ кўрсатиб ўтилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни

2. Давлетшина, А. И. (2019). «Чистота Среды» как инструмент для устранения налогового разрыва по НДС. Совершенствование налогового администрирования (pp. 60-67)

3. Шакирова, Д. Ю., & Засько, В. Н. (2014). Налоговый разрыв: особенности определения и мировой опыт. Российское предпринимательство, (18 (264)), 163-170

4. Hutton, M. E. (2017). The Revenue Administration–Gap Analysis Program: Model and Methodology for Value-Added Tax Gap Estimation. International Monetary Fund

⁴ Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 30 декабрдаги ЎРҚ-599-сонли «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни